

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АМЛОКЛИКЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ҲОЛАТИ (ҚАРШИ БЕКЛИГИ МИСОЛИДА)

Темурбек Бахрамов

Қарши давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337149>

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлиги даврида Қашқадарё воҳаси амлокликларининг ижтимоий-маданий ва этномаданий ҳолати (Қарши беклиги мисолида) қисқача ёритилган. Турли манба ва адабиётларда келтирилган Қашқадарё воҳаси амлокликлари ҳақидаги маълумотлар ҳақида сўз боради. Айти Бухоро амирлиги даврида мавжуд маҳаллий ва чет тилида ёзилган адабиётлар чуқур таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Қарши беклиги, Гулшаний, Косон амлоклиги, “Таърихи Ҳумоюн”, Косон, Фарғона, Пудина, Ҳазрати Қуссам-ато, Янгикент амликлиги

Бухоро амирлигининг йирик маъмурий бирликларидан бири бўлмиш Қарши беклиги (ёки вилояти)даги амлокликлар, уларнинг географик жойлашуви, табиати, аҳолисининг сони ва этник таркиби, хўжалик турмуш тарзи ва ҳоказоларга доир маълумотлар ўз даври ёзма манбаларида у ёки бу даражада ўз ифодасини топган.

Шундай ёзма манбалардан бири Муҳаммад Солиххўжа Гулшаний томонидан 1909 йилда ёзилган “Таърихи Ҳумоюн” асаридир. Форс-тожик тилида ёзилган ушбу асар Жўрабек Нарзиев томонидан кириш сўзи билан нашрга тайёрланган бўлиб, 2006 йилда Душанбе шаҳрида чоп этилган[1]. Асарда Бухоро амирлигидаги йирик маъмурий бирликлар - вилоятларнинг XX аср бошларидаги ҳолати, аҳолисининг этник таркиби ва сони бўйича қимматли маълумотлар ўрин олган. Хусусан, “Таърихи Ҳумоюн”да Қарши беклиги (вилояти)даги амлокликлар аҳолиси бўйича муҳим маълумотлар ўрин олган бўлиб, қуйида уларни кўриб чиқамиз. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Қарши беклигидаги айрим амлокликлар келтириб ўтилмаган. Масалан, Потрон, Даҳа-и Миёна каби.

Косон амлоклиги. Қарши вилоятининг Косон амлоклиги Қарши шаҳридан шимоли-шарқда, Бухоро йўналишида жойлашган бўлиб, ўнлаб қишлоқларни ўз ичига олган. “Таърихи Ҳумоюн” асарида ёзилишича, Косон амлоклигининг боғ-роғлари аҳддан ташқари кўп бўлиб, бу ерда етиштириладиган бодомлар Бухородаги бодомга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми ушбу амлоклик бодомлари ҳисобига қопланади. Асарда қайд этилишича, Косон аҳолисининг кўпчилигини тожиклар ташкил қилган.

Улар қайси бир замонларда Фарғонадаги Косон шаҳридан кўчиб келиб жойлашганлар. Косон шаҳрида харобага айланган кўрғон мавжуд бўлиб, у ерда ҳеч ким яшамайди. Қалъа атрофидаги тупроқларда қадимий ашёлар топилиб туради. Бундай ашёлар орасида олтин ва кумушдан ясалган, турли тасвирилар туширилган буюмлар ҳам учрайди. Бунга ўхшаш топилмалар Косон амлоклигидаги қадимий шаҳар харобаларидан кўплаб топилиб, уларни чуқур қазилаётган ёки иморат қураётган чоғларда тупроқ остида учратиш мумкин бўлган. “Таърихи Ҳумоюн”да эслатилишича, чуқур қазиш ва иморат қуриш чоғида кўплаб қимматбаҳо буюмлар топилиши натижасида бу ер аҳолиси бойиб кетишган[2].

“Таърихи Ҳумоюн”да қайд этилишича, Косон амлоклигидаги йирик аҳоли масканлари орасида Пулоти мавзеси алоҳида кўзга ташланиб, бу ерда арабларнинг “искандарий” қабиласига мансуб беш минг хонадон яшаган. Улар ислом дини курашувчилари бўлиб, шу ерда ўринлашиб қолишган. Ушбу арабларнинг икки минг хонадони “аҳли тамаддун”, яъни ўтроқ аҳоли сифатида Пулоти ва Бўлмас мавзелари орасида истиқомат қилишган, уч минг хонадони эса чодир-у ўтовларда яшаб, ғаллачилик ва туячилик билан шуғулланишган.

Асарда Косон амлокликлари орасида алоҳида эсалтиб ўтилган аҳоли масканларидан яна бир қанчасига шунга ўхшаш таърифлар берилган. Бироқ асарнинг кириллча нашрида улардан айримларининг номи хато берилганлиги кўзга ташланади. Масалан, Насаф (Қарши) вилояти шимолида жойлашиб, ислом динининг ёйилиши ва мустақамланишида ўзига хос ўрин эгаллаган жойлар сифатида Алочасой, Қарабасир ва Беклор номлари келтирилган бўлиб[3], Алочасой – Алачабоф, Қарабасир эса Қорабайир бўлиши керак. Алачабоф ва Қорабайир Қарши шаҳри шимолидаги қишлоқ номлари сифатида Қушбеги архиви ҳужжатларида қайд этилган[4]. Бу ерда араб графикасида хаттотларнинг нусха кўчириш жараёнида учраб турадиган нуқта алмашинуви ёки нуқта тушиб қолиши, шунингдек, айрим ҳарфларнинг ташқи кўринишида яқин ўхшашлик натижасида жой номлари талқинида хатоликлар келиб чиққан бўлса керак. Беклор қишлоғини эса Косон туманидаги Беглар қишлоғи[5] билан тенглаштириш мумкин.

Агар асарда тилга олинган учала қишлоқнинг ҳам Қарши вилоятининг шимолида жойлашганлиги ва аҳолиси бой эканлигига урғу берилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, улардан дастлабки иккитасининг Алачабоф ва Қорабайир қишлоқлари[6] эканлиги янада ойдинлашади. Беклор қишлоғи

хам шу қишлоқларга яқин жойлашган аҳоли масканларидан бири бўлиш ҳам мумкин.

“Таърихи Ҳумоюн”да Косон шаҳри ва унга яқин аҳоли масканларига таъриф берилар экан, бу ҳудуднинг боғ-роғларга бойлиги, мевалар орасида узумнинг жуда кўп етиштирилишига эътибор қаратиб ўтилади. Асарда ушбу ҳудударлар бозорларида мевалар мўл-кўллиги, деҳқончилик, айниқса, лалми ерларда етиштириладиган маҳсулотларнинг кўплиги алоҳида таъкидлаб ўтилиб, Қарши вилоятидаги қасабалар (аҳоли масканлари) орасида энг хушхавороғи, яхшироғи эканлиги тилга олинади[7].

“Таърихи Ҳумоюн”да Косон ва унинг шимоли-шарқидаги аҳоли масканларининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида бу ерларда қадимий зиёртагоҳлар мавжудлиги келтириб ўтилади. Жумладан, асарда қайд этилишича, Косондан бир фарсах ғарбий тарафда жойлашган қадимий осори атиқа сифатида тошдан ясалган сардоба бор бўлиб, унинг қўрғони гунбазининг ўрни сақланиб қолган ва маҳаллий аҳоли ушбу иморатни “Усто Очуқ” деб юритадилар[8]. Асар муаллифининг эслатиб ўтишича, ушбу иморатнинг номидан ҳам англашиладики, маҳаллий аҳоли бу ерни “Усти очик”, яъни “тепаси текис”, яъни сардоба деб атаганлар ва шу тариқа бу ном келиб чиққан.

Косонга қарашли қишлоқлардан бири Пудина бўлиб, бу ерда ҳам бир қатор қадимий зиёртагоҳлар мавжуд бўлган. “Таърихи Ҳумоюн”да Ҳазрати подшоҳ Халил ва Ҳазрати Қуссам-ато мазорлари жойлашганлиги айтиб ўтилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, юқорида келтириб ўтилганидек, ушбу асарда Косон шаҳри аҳолисининг тожиклардан ташкил топганлиги яна бир бор эсталилиши билан бирга, Косон атрофидаги қишлоқларнинг кўпчилиги “тамоман қабоилу ашоири атроки манғит”, яъни “асосан туркий манғит уруғ ва қабилалари”дан иборат эканлигига урғу берилади. Шу билан бирга, муаллиф ушбу амлоклик асосан 3 та элатдан – тожик, ўзбек ва араблардан иборатлигини ёзиб, улар орасида араблар 5 минг, тожиклар 10 минг, ўзбеклар эса 15 минг хонадонни ташкил этишини алоҳида қайд этиб ўтади[9]. Албатта, ушбу рақамлар бирмунча тахминий бўлиб, асар муаллифи қўлида бу борада аниқ статистик маълумотлар бўлмаган. Шунинг учун “Таърихи Ҳумоюн”даги аҳоли сони ёки этник таркиби бўйича келтирилган маълумотларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак бўлади. Шу билан бирга, ушбу маълумотлар Косон амлоклигидаги маҳаллий

аҳолининг этник таркиби бўйича муайян тасаввурлар берадиган материаллар сифатида қийматлидир.

Янгикент амликлиги. “Таърихи Ҳумоюн”да қир ва адирлардан ташкил топган амлоклик сифатида тилга олинган ушбу маъмурий ҳудуд аҳолисининг барчаси “атроки манғит”, яъни манғит турклари (ёки туркий манғитлар) ўлароқ қайд этилган. Аҳоли манғитларнинг “оқ-манғит” тармоғига мансуб бўлиб, туячилик билан шуғулланишган. Асарда қайд этилишича, ушбу амлоклик Қарши ва Ҳузур (Ғузур) оралиғида жойлашиб, ерлари асосан лалмикор тупроқлардан иборат бўлган. Бу ер аҳолиси уч минг хонадондан ташкил топган бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, кўпчилик аҳоли ўзбеклар бўлган. Ушбу амлокликнинг айрим қишлоқлари Ғузурга қарашли бўлган[10].

Файзобод амлоклиги. “Таърихи Ҳумоюн”да Қарши вилоятига қарашли ушбу амлокликнинг вилоятнинг жанубида, Карки вилояти йўналишида жойлашганлиги қайд этилади. Ушбу амлоклик жуда обод ва серсув жойларга эга бўлиб, бир қисми чўлликдан иборат бўлган. Боғ-роғларга бой бу амлокликда деҳқончилик ривож топиб, фаровонлик, мўл-кўлчилик бўлган. Аҳолиси туркий манғит ва қучин (қавчин) уруғларидан ташкил топиб, уларнинг кўпчилиги кўчманчи ҳаёт кечирган ва ўтовларда яшашган. Амлоклик аҳолисининг салмоғи етти минг хонадон иборат бўлиб, улар жасурликда ном чиқаришган.

Асарда келтирилишича, Файзобод амлоклигида Абдуллахон томонидан тошдан қурдирилган сардоба мавжуд бўлиб, Нишон мавзеси томонида жойлашган[11].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. Бачоптайёркунанда, мураттиб ва сарсухан Ҷўрабек Нарзиев. – Душанбе, 2006.
2. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 91.
3. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 91.
4. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 19, 71.
5. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б. 55.
6. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б.
7. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 91.

8. Б Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 91.
9. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 92.
10. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 95.
11. Муҳаммад Содикқочаи Гулшанӣ. Таърихи Ҳумоюн. – Б. 96.